

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК ҚЎМОНДОНЛИК МУҲАНДИСЛИК БИЛИМ
ЮРТИ

MUSTAQILLIK – OLIY NE'MAT



Республика илмий-амалий
анжумани материаллари

Т Ў П Л А М И
2021 йил 20 август

Чирчиқ – 2021

қирғизларга, ҳиндларга, туркларга ва бошқа халқларга ўхшайдиганлар учраб туради. Аммо бу ҳолатга бир томонлама ёндашиш керак эмас, чунки узоқ биргалик жараёнида уларнинг ўзаро муносабатларида урф-одатларида турмуш тарзида умумийлик вужудга келиб, хотто қуда-андачилик алоқалари ўрнатилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислон Каримов Ватан ва халқ мангу қолади. Т: Ўзб.кутубхона нашри. 2010. Б-33-34.
2. “Ўзбекистон республикаси конституцияси” Т. ”Ўзбекистон” 2012.
3. Очилдиев.А.“Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар”. Т. “Ўзбекистон”. 2005.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

ЯХШИМБЕКОВА Сайёра Камаловна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

МИРЗАЕВА Сайёра Рустамовна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Психология кафедраси ўқитувчиси, п.ф.б.ф.д (PhD)

Миллат келажagini ўйлайдиган ҳар бир давлат ўз фуқаролари билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, комил инсон бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Айни пайтда баркамол авлодни шакллантириш вазифаси ёшларга таълим беришни, уларни тарбиялашни ҳамда уларни ривожлантиришни тақозо этади. Зеро, мамлакат фуқароларининг фаоллиги, ақл-заковати ва маънан баркамоллиги шу давлатнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини белгилайди.

Ўзбекистонда шаклланган маданий-педагогик анъаналарга мувофиқ тарбияга таълимнинг ажралмас қисми, унинг пойдевори, ўзаги сифатида қаралади. Айнан тарбия таълим жараёнини инсонни шакллантириш жараёнига айлантиради. Таълимнинг асосий мақсади - инсоннинг билимларга эга бўлишига кўмаклашиш, уни тафаккур қилишга ўргатиш

бўлса, тарбиянинг мақсади - инсонни муносиб ҳаёт кечиришга ўргатмоқдир.

Таълим ва тарбия бериш жараёнида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришнинг қиммати ва аҳамияти дастлаб унинг эртанги кунни таъминлаб берувчи куч эканлиги билан изоҳланади. Маълумки, маънавият халқнинг моддий ва маънавий ҳаёти, унинг тарихи билан жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда ривожланади. Шунинг учун унда халқ донолигининг ажойиб намуналари, чуқур фалсафий фикрлар, кенг маъноли ифодалар, мантикий зийраклик ва кузатувчанлик намуналари кўп учрайди.

Келажак билан ишлашга йўналганлик ёшларнинг инновацион қобилиятларини ривожлантиришни назарда тутди. Инновацион қобилиятлар - бу инновацияларни, янгиликларни яратиш ва жорий этиш қобилиятидир. Тажрибанинг кўрсатишича, бу қобилият лойиҳавий фаолият доирасида намоён бўлади. Шунинг учун тарбияга ижтимоий-маданий ривожланиш технологияси сифатида ёндашилганда ёшларни ижтимоий-маданий лойиҳалашга жалб этиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда таълим тизимига фуқаро тарбиясини амалга ошириш вазифаси юклатилган. Чунки таълим тизимида ёшлар билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Аслида фуқаро тарбиясини таълим тизими доирасида амалга ошириш энг самарали, таъсирчан, нисбатан осон ва камҳарж усул ҳисобланади. Демак, таълим тизимига миллатни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган.

Тарбияга шундай ёндашмоқ керакки, унда ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши, қадриятий тизимининг қарор топиши ва профессионал тайёргарлиги ўзаро боғлиқликда, яхлитликда, муштаракликда амалга оширилиши лозим. Ҳозирги кунда, аниқ айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида талабани касбий тайёргарлигини амалга ошириш жараёнида унинг ҳаёт сифати, унинг маънавий борлиғи, қизиқиш ва эҳтиёжлари эътибордан ташқарида қолмайди. Бундай ёндашилганида олий

таълим муассасаларида тарбиявий жараёнларни ташкил этишнинг энг асосий тамойили - ёшлар ҳаёти ва тарбиясининг яхлитлиги тамойили юзага чиқади.

Демак, ёшларнинг ҳаёти, борлиғи, маънавий-ахлоқий, профессионал муаммолари тарбия мазмунига киритилган бўлиши лозим. Дунёга муносабат, ҳаёт мазмунини тушуниш тингланган ижтимоий-гуманитар фанлар, назарий курслар ҳисобигагина шаклланмайди. Шу боисдан, тарбия, профессионал таълим ва талабалар ҳаётининг бир бутунлигини таъминлаш педагогларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Лекин бу борада бир нарсани ёдда тутиш лозим: инсонни яратиш мумкин эмас, у ўзини ўзи яратади. Лекин педагоглар бу жараёнда иштирок этишлари, муҳит ролини ўйнашлари мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ёшларни ўқитиш орқали миллий юксалишни таъминлаш билан боғлиқ қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ёшларда мамлакат истиқболи учун масъулият, демократик ислохотлар жараёнларига камарбасталик, умуминсоний кадриятларнинг абадийлигига суяниш фазилатларини тарбиялаш зарур;

Иккинчидан, ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, инновацияларни қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ ижобий йўналтирилган инновацион салоҳиятидан рағбат асосида фойдаланиш;

Учинчидан, ёшларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, оилапарварликни ҳаёт тамойили ва мезонига айлантириш, мамлакат ривожини учун жон куйдиришни фуқаролик фазилатига айлантириш;

Тўртинчидан, ёшлар сиёсати ва уларнинг таълим-тарбияси масаласини миллий ва давлат хавфсизлигининг зарурий таркибий қисмларидан бири деб тан олиш, ёшлар давлат истиқбол ривожланишининг заҳира бойлиги эканлигини тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадга мувофиқ;

Бешинчидан, ёшлар кайфиятлари, манфаатлари ва ижтимоий аҳволини ўрганиш, уларнинг маслакларини илмий таҳлил этиш бўйича турли социологик тадқиқотлар ўтказиш, ёшлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи мониторингини амалга жорий этиш ўз самарасини беради.

Тарбиявий ишларни амалга оширишда ёшларнинг мамлакат истиқболи учун масъул эканини асослаш, миллий ва умуминсоний кадриятларни ўргатиш, миллий маданиятимизни тарғиб этиш орқали ғоявий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳали-ҳануз ҳаётимизда учрайдиган иллатларга қарши тура оладиган, умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, ўзида ғоявий курашчанлик фазилатларини намоён қиладиган ёшларни тарбиялаш – бу борадаги маънавий-маърифий ишларимизнинг устувор йўналишига айланмоғи лозим.

MUSTAQILLIK YILLARIDA MA'NAVIY MEROSNING QAYTA TIKLANISHI

XAITOV Bahodir Tursunovich

Chirchiq OTQMBYU Gumanitar fanlar kafedrası katta o'qituvchisi

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada Vatanimizning mustaqillikka erishganidan so'ng qayta tiklangan ma'naviy meros to'g'risida so'z boradi. Tariximizda o'zining munosib o'rniga ega bo'lgan buyuk allomalar, mashhur sarkarda bobolarimizning nomlarini qayta tiklangani bayon etilgan. Jahon ilm-fani rivojiga ulkan hissa qo'shgan mutafakkirlarning nomlarining qayta tilanishi bevosita mustaqillik bilan chambarchas bog'liq ekanligi ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: mustaqillik, ma'naviy meros, buyuk alloma va mutafakkirlar, davlat mustaqilligining 30 yilligi.

1991-yil 31-avgust mamlakatimiz tarixida xalqimiz tomonidan amalga oshirilgan buyuk jasorat timsolidir. Chunki ushbu sanada Vatanimiz o'zining mustaqilligini qo'lga kiritdi. Mustaqillik kuni – xalqimizning eng ulug', eng aziz